

ЖАНУБИЙ МИНТАҚАЛАР ШАРОИТИДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Дилдора Улуғбековна Файзуллаева

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти «Органо-минерал ўғитлар ва агрохимёвий ялпи таҳлиллар» лабораторияси таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Республикамиз жанубий минтақаларда тарқалган суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқ иқлим шароитларида маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навлари замонавий экиш агрегатларидан фойдаланилиб экиш агротадбирлари олиб борилган ҳамда ушбу экиш мосламаси орқали тўлиқ кўчат олишга ва экиш учун сарфланадиган ёқилғи ҳамда уруғни иқтисод қилишга эришилган.

Калит сўзлар: Дон, маккажўхори, маккажўхори навлари, шудгорлаш, минг дона дон вазни, экиш тизими, униб чиқиш, тупроқ, намлик, грамм, литр, агротадбир.

ABSTRACT

In this article, in the irrigated grassland soils of the southern regions of the country, modern sowing units of "Mazza" and "Zamon" varieties of corn were carried out using modern sowing units, which saved fuel and seeds.

Keywords: Grain, corn, maize varieties, plowing, thousand grain weight, sowing system, germination, soil, moisture, gram, liter, agrotad.

КИРИШ

Бугунги кунда дунёда «қишлоқ хўжалиги экинларни етиштириш ва тупроққа ишлов бериш натижасида охириги 50 йил мобайнида маҳсулотларини ишлаб чиқаришга лаёқатли бўлган тахминан 430 миллион гектар ер майдонлари қисқарди. Қишлоқ хўжалигини муҳофаза қилишда деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш учун 80 дан ортиқ мамлакатларда қарийиб 200 миллион гектардан кўп экин майдонларини қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетишни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва қўлланилди». Шу сабабли қишлоқ хўжалигида ҳар бир экин турини етиштиришнинг анъанавий агротадбирларига илмий-инновацион ёндашувлар асосида тупроқ деградацияси жараёни камайтирувчи ёки тупроқ хоссаларини яхшиловчи

самарали агротадбирларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дунёда маккажўхори энг кўп экилади. БМТ нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларга биноан, дунё бўйича 2019 йил маккажўхори дон ҳосили учун 192 млн. гектар майдонга экилиб, олинган дон ҳосилдорлиги 1046 млн. тоннани ташкил қилган. Олинган маккажўхори ҳосилининг аксари АҚШ, Хитой ва Бразилия давлатлари ҳиссасига тўғри келади ҳамда дунёдаги жами экин майдони 48 фоизини ташкил этади. Ривожланган давлатларда маккажўхори озиқ-овқат, фармацевтика ва чорвачилик соҳалари учун етиштирилади.

Маккажўхори ер танламайди. Уни ҳар қандай экиндан бўшаган ерга экиш мумкин. Маккажўхорига ғўза, дон ва айниқса, дон-дуккакли экинлар яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Маккажўхорини маккажўхоридан кейин ва уни такрорий экин сифатида экилганда ҳам яхши натижа беради. Маккажўхори экиш учун ер кузда шудгор қилинади. Тупроқнинг хусусиятига қараб шудгорлаш чуқурлиги 30-35 см ва ундан ҳам чуқур бўлиши мумкин. Куп йиллик бегона ўтлар босган далаларда кузги шудгорлашдан сўнг ричагли, пружинали борона культиватор ёки чизел ёрдамида илдиз қолдиқлари йиғиб олинади[4].

Кейинги йилларда маккажўхорини экиб етиштириш агротадбирларини ишлаб чиқиш ва олинган дон ва кўк масса ҳосилини турли мақсадларда фойдаланиш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, маккажўхори етиштириш бўйича иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган агротадбирлари ишлаб чиқилиб, олинган кўк масса ҳосилидан аҳоли учун биометаногенез усулида биогаз ва органик ўғитлар, дон ҳосилидан ун, мой маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинларини янги турдаги маҳаллий ва ҳориждан келтирилган замонавий экиш мосламаларида экиш ва етиштириш бўйича самарали агротадбирлар олиб борилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонида «...ерга ишлов бериш ва экинларни парваришлашнинг илғор инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ этиш

ҳисобига агротехник тадбирлар сонини камайтириш» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 45-сон Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида «хорижий ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникаси ва техника воситаларининг янги замонавий турларидан республика қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланишга доир илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш» бўйича вазифалари белгиланган. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда замонавий экиш мосламаларидан фойдаланиб иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган агротадбирларни ишлаб чиқиш республикамиз учун долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқ иқлим шароитларида маккажўхори навларини 90x10; 90x15 ва 90x20 экиш тизимида «CANSA» русумли замонавий уялаб экиш мосламасида экиш тадбирларининг самарадорлигини ўрганишдан иборат.

Қашқадарё вилояти Қарши тумани С.Рахимов ҳудудидаги Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида денгиз сатҳидан 334 метр баландликда, 38048'18.4 шимолий кенгликда, 065034'53.8 шарқий узунликда тарқалган суғориладиган тақирли-ўтлоқи тупроқлар ҳамда маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навлари танланган.

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба даласида Маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навларининг уруғлари экишдан олдин 1000 дон дон вазни аниқланиб, тегишлича 195,6 ва 162,2 граммни ташкил этиши аниқланди. Экиш учун мўлжалланган маккажўхори уруғлари «Raksil» препарати билан 1000 кг/10 литр ҳисобида ишлов берилиб, қатор ораси 90x10; 90x15 ва 90x20 см кенгликдаги экиш тизимида замонавий универсал пневматик (CANSA) мосламасида 5-6 см чуқурликда экиш тадбирлари амалга оширилди[4]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фенологик кузатувлар натижасига кўра, апрел ойида дала тажрибасида маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навларини экиш тадбирлари амалга оширилган бўлиб, далада уруғларнинг униб чиқиши ва униб чиқишидаги тупроқ намлиги аниқланди. Бунда униб чиқишида тупроқ намлиги 0-10 смда 14,57% 10-20 смда 15,34% ташкил этиб уруғларнинг тупроқдаги намликни сингдириб экишдан кейин

5-6 кун тўлиқ нишлаши кузатилди. Маккажўхори 10 кун муддатда униб чиқиши аниқланди. Апрель ойида ҳаво ҳарорати ҳамда ёғингарчилик миқдори таҳлил қилинди ҳамда тупроқ-иқлим шароитининг маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навларининг уруғлари нишлаш ва униб чиқишига таъсири таҳлил қилинди.

ХУЛОСА

Маккажўхори уруғларини экиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида замонавий (CANSA) мосламали агрегатда экиш орқали иқтисодий самарадорликга эришилди.

Биринчидан: экиш даврида анъанавий экиш усулида 2 марта агротадбир олиб борилиб, яъни бароналаш учун 2,6 литр/га, экишда 5,7 литр/га жами 8,3литр/га ёқилғи сарфланади. Замонавий «CANSA» уялаб экиш мосламаси орқали бир вақтни ўзида пушта юзаси текисланиб экиш амалга оширилганда 5,7 литр/га ёқилғи сарф бўлади. Бунда, 2,6 литр/га ёқилғи иқтисод қилишга эришилди[3]. Қолаверса, агротадбирларни амалга оширишда иш кучи тежаллади ва вақтдан унумли фойдаланиш имконини беради.

Иккинчидан: анъанавий маккажўхорини экиш учун сарфланадиган уруғ меъёри 35 кг/га бўлса, маккажўхорининг «Мазза» нави экишда қатор ораси 90 см бўлган пуштада қўчат оралиғи 10 смли тизимда(90x10 см) 18 кг/га, қўчат оралиғи 15 смли тизимда (90x15 см) 13,5 кг/га, қўчат оралиғи 20 смли тизимда(90x20 см) 9 кг/га меъёрида уруғ сарфланган. маккажўхорининг «Замон» навида эса, қатор ораси 90 см бўлган пуштада қўчат оралиғи 10 смли тизимда(90x10 см) 22 кг/га, қўчат оралиғи 15 смли тизимда(90x15 см) 16,3 кг/га, қўчат оралиғи 20 смли тизимда(90x20 см) 11 кг/га меъёрида уруғ сарфланган. Бунда, маккажўхорининг экишга мўлжалланган уруғларни тежаш имконини берган.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида» ги Фармони. *Lex.uz*
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 45-сон «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. *Lex.uz*



3. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар I-қисм (2016-2020 йиллар учун) // Суғориладиган ерларда асосий экин сифатида экиладиган маккажўхорининг экиш тадбирларида қўлланиладиган намунавий технологик карта. Т. 2016. – Б. 27-33.
4. Маккажўхори етиштириш. Илмий нашр // «Агробанк» АТБ. – Т. 2021. – 8-9 б.
5. <https://www.fao.org/news/story/en/item/1412745/icode/>

